

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДМОНОВ ҒИЁСИДДИН НАФАСОВИЧ

**ПОРСО ШАМСИЕВ ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯСИ: ТАДҚИҚ
УСУЛЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ, МАТНШУНОСЛИК
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Шодмонов Гиёсиддин Нафасович Порсо Шамсиев илмий лабораторияси: тадқиқ усуллари, тамойиллари, матншунослик тараққиётидаги ўрни.....	3
Shodmonov Giyosiddin Nafasovich Scientific laboratory of Porso Shamsiev: research methods, principles, place in the development of textual criticism.....	25
Шодмонов Гиёсиддин Нафасович Научная лаборатория Порсо Шамсиева: методы исследования, принципы, место в развитии текстологии.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	51

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil919 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Жабборов Нурбой Абдулҳакимович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Жумахўжа Нусратулло Атоулло ўғли**
филология фанлари доктори, профессор

Тўхлиев Бокижон
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**


Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» Октябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44. (www.navoiy-uni.uz).


Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (842-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» Октябр да таркатилади.
(2021 йил 18.10 даги 1- рақамли реестр баённомаси).



Ш.С.Сирожидинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.У.Пардаев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

**З.Н.Абдирашидов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон матншунослигида буюк ижодкорлар адабий меросини тадқиқ қилиш, асарларининг мукамал матнларини ҳозирлаш ҳамда академик нашрларини амалга ошириш нечоғлиқ муҳим саналса, бу тадқиқотларнинг юзага келиш жараёнини ўрганиш шунчалик аҳамиятли вазифалардан ҳисобланади. Жумладан, Шарқ адабиёти улўғ намояндалари асарларининг фанга номаълум қўлёзма манбаларини аниқлаш, нодир нусхаларни тавсифлаш, илмда истифода этилишини таъминлаш билан боғлиқ тадқиқот жараёнини таҳлил қилиш соҳанинг долзарб муаммоларидан биридир.

Дунё матншунослиги ва адабий манбашунослигида, XIX–XX асрларга келиб, Алишер Навоий биографияси манбалари, буюк шоир асарлари қўлёзмаларининг қиёсий таҳлили, матн герменевтикаси каби илмий муаммолар юзасидан муҳим илмий-назарий тадқиқотлар амалга оширилди. Шунингдек, жаҳонда Алишер Навоий асарларига қизиқиш, тарғиб қилиш, таржималарини амалга ошириш ишлари ҳам сезиларли ўсди. Бунинг натижасида буюк шоир асарлари манбаларига доир тадқиқотларни матншуносликнинг энг сўнгги ютуқлари асосида ўрганиш зарурати кун тартибига чиқди.

Ўзбек матншунослиги ва манбашунослиги соҳаларида ўтган асрнинг ўрталарида Алишер Навоий асарларини тадқиқ қилиш, оммавий нашрларини амалга ошириш, илмий-танқидий матнларини тузиш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Бироқ мустақиллик йилларида мафкуравий эврилишлар вужудга келгани боис амалга оширилган ишларни ўрганиш, таҳлил қилиш, лозим бўлса, қайта кўриб чиқиш муҳим вазифага айланди. Чунки “Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутди”¹. “Хамса” дostonлари қўлёзмаларини ўрганиш ва нашр этишда Порсо Шамсиев томонидан тузилган илмий-танқидий матнлар асос бўлиб келаётгани эътиборга олинса, олимнинг матншунослик ва манбашунослик соҳасида олиб борган илмий фаолиятини тадқиқ қилиш, илмий тажрибаларини ўзлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Матншунос томонидан тузилган илмий-танқидий матнларни такомиллаштириш соҳанинг устувор вазифаларидандир. Олим илмий лабораториясини чуқур ўрганмай, тадқиқ усуллари ва тамойилларини аниқламай туриб, бу вазифани юқори даражада бажариб бўлмайди. Порсо Шамсиевнинг “Хамса” дostonлари илмий-танқидий матнига доир тадқиқотларини ўрганиш асосида ўзбек матншунослигининг назарий-методологик асосларини яратиш, аниқ мезонлар тизимини шакллантириш, мумтоз ижодкорлар асарлари илмий-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4865-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/5054929>

танқидий матнларини тузишнинг қатъий тамойиллари ва концепцияларини ишлаб чиқиш бўйича изланиш олиб борилгани, соҳа билан боғлиқ муайян таклиф ва тавсиялар берилгани ушбу диссертация мавзусининг долзарб экани тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ–4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ–2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқи ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ–4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунгача навоийшуносликда “Хамса” дostonлари турли аспектларда тадқиқ қилинган. Жумладан, А.Фитрат, Ҳ.Зарипов, Е.Э.Бертельс, С.Айний, А.Саъдий, Ғ.Каримов, Ҳ.Сулаймон, В.Зоҳидов, И.Султон, А.Қаюмов, В.Абдуллаев, Н.Маллаев, А.Рустамов, Б.Валихўжаев, Э.Рустамов, С.Эркинов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Т.Аҳмедов, С.Ғаниева, С.Ҳасанов, М.Ҳамидова, М.Муҳиддинов, Ш.Сирожиддинов, В.Раҳмонов, Н.Жумахўжа, Н.Жабборов, А.Эркинов, У.Жўрақулов, Д.Юсупова каби олимлар бу борада муҳим натижалар кўрсатганлар². Бироқ “Хамса”

² Фитрат. “Фарход ва Ширин” дostonи тўғрисида //Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.105-134.; Фитрат. Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри. – Тошкент: Мусулмон Иштирокиюн фирқаларнинг ўлка бюроси ҳузуридаги нашриёт шубаси. 1919. – Б.11.; Бертельс Е.Э. Навоий. Гаржимон И.К.Мирзаев. – Тошкент: “Tafakkur qanoti”, 2015. – Б.7.; Бертельс Е.Э. Древнейшая рукопис. “Пять поэм” Алишер Навои. Москва: 1957. – С.3-4.; Əlişer Navaij. Xamsa. (Qisqartirib basmaga tajjarlavçei S.Ajni). Ўқувпеднашр. – Тошкент: 1940. – Б.11.; Каримов Ғ. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” асари критик тексти: Филол. фан. номзоди ... дисс. – Тошкент, 1944.; Рустамов Э. “Хамса”нинг сўнгги наشري ва текстологияга оид баъзи мулоҳазалар. /Ўзбекистон маданияти, 1959 йил 5 сентябрь.; Эркинов С. Навоий “Фарход ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент, 1971.; Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарход қиссаси. – Тошкент: Фан, 1985.; Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.; Алишер Навоий. Фарход ва Ширин. Насрий баён муаллифи Гафур Ғулом. Нашрга тайёрловчи Ҳайитметов А. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975. – Б. 244-246.; Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Насрий баён муаллифи Ҳайитметов А. – Тошкент; 1983. – Б.3-7.; Ҳайитметов А. Матншунослик муаммолари //Шарқ юлдузи, 1982 йил, 3-сон. – Б.167-171.; Аҳмедов Т. “Хамса” қахрамонларининг характер жозибаси. – Тошкент: Фан, 1986.; Қаюмов А. “Ҳайрат ул-аброр” талқини. –

нашрларининг такомил босқичи, илмий-танқидий матнларининг комплекс таҳлили, бу борада йирик матншунослар тажрибалари, илмий лабораторияси алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас.

Ҳолбуки, ўзбек матншунослиги тараққиётига ҳисса қўшган олимлар фаолиятини ўрганиш, нашр ва илмий-танқидий матн тузиш борасидаги тажрибаларини ўзлаштириш матншунослик соҳасида янги қарашларнинг шаклланишида, унинг илмий-назарий асосларини яратишда, умуман, соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда муҳим. Айниқса, Навоий асарларининг академик нашрларини майдонга келтиришда, илмий-танқидий матнлари асосларини ишлаб чиқишда матншунос олимлар фаолиятини ўрганиш ҳар жиҳатдан самара беради. Хусусан, Алишер Навоий ижодининг чўққиси бўлган “Хамса” дostonлари илмий-танқидий матнларини чуқур тадқиқ қилиш, уни такомиллаштириш йўллари илмий асосда белгилашда ўзбек матншунослигининг забардаст вакили Порсо Шамсиевнинг ҳаёти ва илмий фаолияти юзасидан жиддий тадқиқот олиб бориш юқори илмий натижалар беради. Шу жиҳатдан, ушбу диссертация ўзидан аввал амалга оширилган тадқиқотлардан фарқ қилади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Адабий ҳодисаларнинг тарихий тадрижи ва назарий тараққиёти масалаларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Порсо Шамсиев илмий лабораториясининг комплекс тадқиқини амалга ошириш, Навоий “Хамса”си матншунослиги тажрибаларини илмий-назарий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Порсо Шамсиев илмий лабораториясини тадқиқ қилиш орқали унинг матншунослик тараққиётига таъсирини аниқлаш, олим фаолиятини даврлаштириб ўрганиш, илмий-назарий қарашларининг ўз даври ва бугунги кундаги аҳамиятини белгилаш;

Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.; Ҳамидова М. Алишер Навоий “Садди Искандарий” дostonи илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи. Филол. фан. доктори. дисс. – Тошкент: 1994. – Б.11.; Мухиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси (“Хамса”ларнинг биринчи дostonлари асосида) Филол. фан. номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995.; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011.; Сирожиддинов С, Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Тошкент: Akademnashr, 2015.; Матншунослик сабоқлари. – Тошкент: “Navoiy universiteti”, 2019.; Раҳмонов В. Мумтоз сўз сеҳри. Тошкент: “O‘zbekiston”, 2015; Жумахўжа Н. Навоийшунослик: муаммолар қачон бартараф этилади. //Шарқ юлдузи, 2021 йил, 4-сон. – Б.66-72.; Жабборов Н. “Лайли ва Мажнун” илмий-танқидий матнига доир айрим мулоҳазалар. Ўзбек адабиётшунослигида таҳлил ва талқин муаммолари. Республика илмий анжумани материаллари. – Қарши, 2016. – Б.13-16.; Икки буюк хамсанавис ижод концепцияси. //Жаҳон адабиёти, 2021 йил, 6-сон. – Б.174-182.; Эркинов А. Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати (“Садди Искандарий” дostonи мисолида). Филол. фан. номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 1990.; Эркинов А.С. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV–XX аср манбалари. Филол. фан. док... дисс. – Тошкент, 1998.; Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Тошкент: Турон-иқбол нашриёти. 2017.; Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011.

Алишер Навоий асарларининг матншунос томонидан аниқланган нусхаларини текшириш ва уларнинг аҳамиятини далиллаш;

“Хамса” нашрлари тажрибаларини босқичма-босқич ўрганиш, олимнинг илмий-танқидий матн яратишдаги ёндашув мезонлари ва илмий услубларини текшириш, нашрлардаги муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш йўлларини асослаш;

“Хамса” дostonлари илмий-танқидий матнларини қиёслаш, замонавий матншунослик нуқтаи назаридан илмий баҳолаш;

“Хамса”нинг янги аниқланган нусхасини тавсифлаш, уни мавжуд манбалар билан муқояса қилиш, характерли жиҳатларини кўрсатиш, илмий-танқидий матнлар тайёрлаш бўйича аниқ илмий хулосалар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Порсо Шамсиевнинг илмий фаолияти борасидаги тадқиқотлар, “Хамса” дostonлари илмий-танқидий матнлари, уларга асос бўлган қўлёзма манбалар, бугунгача амалга оширилган дoston нашрлари олинди.

Тадқиқотнинг предметини Порсо Шамсиев илмий биографияси ва матншунослик фаолияти принциплари, олим илмий лабораториясининг хос хусусиятлари, “Хамса” дostonлари илмий-танқидий матнини яратишдаги ёндашув мезонлари ва усуллари, бошқа олимлар тадқиқотлари билан қиёсий таҳлили, “Хамса”нинг аниқланган нодир нусхаси тадқиқи каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда феноменологик, таснифлаш, тарихий-қиёсий, статистик, контекстуал ва комплекс таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Порсо Шамсиевнинг “Хамса” дostonлари илмий-танқидий матнларини яратишдаги ёндашув мезонлари, илмий услублари аниқланган, фаолияти ва тажрибаларининг ўзбек матншунослиги назарий асослари шаклланиши ҳамда тараққиётига таъсири исботланган;

“Хамса” нашрлари ва илмий-танқидий матнларини яратиш борасидаги дастлабки тадқиқотларнинг ўзбек матншунослиги ривожигаги ўрни ва аҳамияти аниқланган;

Алишер Навоий асарлари, хусусан, “Хамса” дostonлари танқидий матнларини такомиллаштириш учун уларни қайтадан тузиш эҳтиёжи йўқлиги, балки янги аниқланган қўлёзмалар асосида матн таҳририни амалга ошириш кифоя экани далилланган;

илмий-танқидий матн тузишда кейинги давр қўлёзма нусхалари ҳам таянч ёки ёрдамчи манба бўла олиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Порсо Шамсиевнинг матншунослик фаолияти илк бор монографик қўламда ёритилган, матншуносликка оид илмий-назарий қарашлари, тадқиқот усуллари таҳлил этилган;

Алишер Навоий “Хамса”сининг оммавий нашрлари, илмий-танқидий матнларини тузиш тажрибалари, ушбу нашрларнинг такомил босқичлари, улар устидаги матний тадқиқотлар комплекс тадқиқ қилинган;

“Хамса” дostonларининг матншунос олимлар томонидан амалга оширилган мавжуд нашрлари, илмий-танқидий матнлари қиёсий ўрганилган;

“Хамса” матншунослигида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг келиб чиқиш омиллари таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган манбаларнинг илмий методлар воситасида текширилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, матншуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўзбек матншунослиги ва манбашунослигининг шаклланишида Алишер Навоий асарлари, хусусан, “Хамса” нашрлари текширилгани, мавжуд илмий-танқидий матнлар қиёсий тадқиқ этилгани, Порсо Шамсиев илмий фаолияти, тадқиқотларининг ўрганилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалар Алишер Навоий асарлари, “Хамса” дostonлари, ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўйича тадқиқот олиб бораётган мутахассислар учун, шунингдек, олий ўқув юртларининг “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” таълим йўналишида навоийшунослик, матншунослик, ўзбек адабиёти тарихи каби фанлардан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтказишда, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Порсо Шамсиев илмий лабораторияси тадқиқ усуллари, тамойиллари, матншунослик тараққиётидаги ўрни бўйича олинган натижалар асосида:

Алишер Навоий асарлари танқидий матнларини такомиллаштириш учун янги аниқланган қўлёзмалар асосида матн таҳририни амалга ошириш зарурлиги ва мавжуд илмий-танқидий матн ва нашрларни мукаммаллаштиришда кейинги асрлар қўлёзмаларига таяниш мумкинлиги тўғрисидаги илмий-назарий хулосалардан ПЗ-20170930220 рақамли “Навоий қомусини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 23 июлдаги 3/1255-2084-сон маълумотномаси). Натижада Навоий қомуси қўлёзмасидаги “Хамса” нашрлари ҳамда Навоий адабий меросининг қўлёзма ва тошбосма манбалари билан боғлиқ маълумотларга ойдинлик киритилган;

Алишер Навоий “Хамса” дostonлари компаративистик тадқиқини амалга оширишда илмий-танқидий матнларнинг ўрни, уларни яратиш

мезонлари ва аниқланган илмий услублардан, “Хамса” нашрлари ва илмий-танқидий матнларини яратиш тарихида дастлабки тадқиқотларнинг ўзбек матншунослиги ривожига аҳамияти ҳақидаги илмий хулосалардан ПЗ-20170925213 рақамли “ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзма девонлар каталогини тузиш” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 23 июлдаги 3/1255-2084-сон маълумотномаси). Натижада қўлёзма девонлар каталогини тузишда, айниқса, кўп нусхали қўлёзма девонларни тавсифлаш ҳамда уларнинг таянч манбаларини аниқлашдаги ёндашув мезонларидан фойдаланишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 176 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти, предмети, фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг *“Хамса” матншунослигининг асослари ва унда матншунос принципларининг ўрни*” деб номланган дастлабки боби 3 фаслдан иборат. Бобнинг *“Порсо Шамсиев илмий биографияси ва матншунослик фаолияти принциплари”* номли биринчи фаслида улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий меросини ўрганиш, уни матншунослик нуқтаи назаридан чуқур тадқиқ қилиш, асарларининг илмий-танқидий матнларини яратиш, нуқсонлардан холи академик нашрларини чоп этиш ишларида самарали меҳнат қилган олим – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори Порсо Шамсиевнинг илмий фаолияти, илмий натижаларининг аҳамияти, матншунослик тараққиётида тутган ўрни ёритилган.

Тадқиқотда олим ҳаёти ҳамда фаолиятининг илк босқичлари ва илмий биографияси илмий далиллар асосида ёритилди. Бу – Порсо Шамсиевнинг

илмий ва ижодий тафаккури, услуб ҳамда методлари, илмий қарашлари ҳамда ёндашув мезонлари ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилишга, умуман, матншунос фаолиятининг муҳим жиҳатларини теран англашга кўмак беради. Зеро, катта авлод олимлари фаолияти ёш илмий изланувчилар учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

Порсо Шамсиев ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотларни тўплашда, асосан, икки манбага таянилди: *биринчидан*, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейидаги Порсо Шамсиев архив фонди материаллари; *иккинчидан*, Суйима Ғаниева, Тамила Ғафуржонова ва Фароғат Мусамуҳамедовалар томонидан чоп этилган мақолалар, шунингдек, Суйима Ғаниева билан суҳбатдан ёзиб олинган маълумотлар³ ҳамда бошқа манбалар.

Ишда олимнинг матншунослик фаолияти тадқиқ қилинди. Дастлаб Порсо Шамсиев томонидан аниқланиб, илмий таомилга киритилган айрим кўлёзма манбалар, уларнинг аҳамияти ҳақида тўхталинди.

Матншунос олим томонидан Навоий асарлари қадимий кўлёмаларининг топилиши қуйидаги жиҳатлари билан аҳамиятлидир: *биринчидан*, навоийшуносликда номаълум бўлган янги кўлёзма манбаларларнинг аниқланиши шоир ижодининг муҳим қирраларини очишга катта ёрдам берди ва янги тадқиқотларга йўл очди; *иккинчидан*, Навоий асарларининг, хусусан, “Хамса” дostonларининг илмий-танқидий матнларини янада такомиллаштириш йўлида зарур манба вазифасини ўтади; *учинчидан*, нодир кўлёзма манбаларнинг топилиши Навоий матншунослиги билан боғлиқ (асосан, танқидий матн тузишдаги) айрим чалкашликлар, чигалликларни бартараф қилиш билан бирга юртимиз тарихида хаттотлик, китобат санъатининг қай даражада ривожланганини, турли даврларда шоир асарларига бўлган муносабатни аниқлашга ёрдам берган.

Олим матншунослик фаолияти икки даврга бўлинади: *биринчи давр* бевосита амалий, *иккинчиси* эса илмий-назарий фаолият билан боғлиқ ҳолда кечди. Дастлабки даврда Порсо Шамсиев, асосан, ўзбек халқи маданий ва адабий меросини, айниқса, Алишер Навоий асарларини оммавий нашр эттириш ҳамда тарғиб этиш билан машғул бўлди. Иккинчи даврда эса у кўпроқ кўлёзма манбалар ва илмий-танқидий матнлар устида изланишлар олиб борди. Олим Навоийнинг 525 йиллик юбилеи муносабати билан чоп этилган XV томлик асарларининг катта қисмини нашрга тайёрлаган⁴. Бундан ташқари, матншунос қатор луғатлар, хрестоматиялар, мумтоз

³ Суҳбат 2012 йил олимнинг уйида бўлиб ўтган.

⁴ *Қаранг*: Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик. XIII том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1965; Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик. XIV том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1965; Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик. VI том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1965.; Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик. VII том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1964.; Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик. VIII том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1964.; Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик. IX том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1964.; Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик. X том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1965.

ижодкорларнинг кўп жилдли асарлари нашрларида ҳам фаол қатнашди⁵. Диссертацияда ушбу нашрлар хусусида алоҳида тўхталинди.

Олим тайёрлаган бир қанча ишлар, жумладан, Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” дostonлари илмий-танқидий матни (араб ёзувида), шоир асарларидаги ҳикоятлардан тузилган тўплам, Абдулжамил котибнинг “Тухфату-с-салотин” номли шоҳбайтлар мажмуаси ва қатор мақолалар чоп этилмай қолди. Матншунос илмий биографияси мазмунини дарслик ва хрестоматиялар, илмий-оммавий нашрлар, илмий-танқидий матнлар ҳамда мақолалар ташкил этади. Улар икки гуруҳга ажралади: 1) хрестоматия ва дарсликлар; 2) илмий-оммавий нашрлар, илмий-танқидий матнлар ва мақолалар. Мазкур нашрлар олим фаолиятининг муҳим қирраларини ва юксалиш тадрижини акс эттиради.

Бобнинг иккинчи фасли “*Алишер Навоий асарлари матншунослигининг илк даври ва “Хамса” нашрларининг тадрижий тақомили*” тадқиқига бағишланган. Порсо Шамсиев фаолияти бевосита “Хамса” дostonларининг нашри ва илмий-танқидий матнлари билан боғлиқ. Мазкур омил ва бошқа муҳим сабабларга кўра, бу фаслда, асосан, “Хамса” дostonлари нашри тарихи ва у билан алоқадор жараёнлар, умуман, ўзбек матншунослигининг дастлабки қадамлари, эришган ютуқлари ва орттирилган тажрибалар таҳлил этилди.

Навоий асарлари матншунослигининг илк даврини тадқиқ қилишдан қуйидагича амалий натижалар олинади: **биринчидан**, олим асарлари ўзбек матншунослигининг дастлабки қадамлари ҳақидаги мавжуд тасаввурни бойитади. Фаннинг ушбу жабҳаси тарихи ва эришилган илмий натижаларни таҳлил этиш, ўз ўрнида, соҳанинг кейинги тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади; **иккинчидан**, орттирилган тажрибалар, чиқарилган илмий хулосалар соҳа билан боғлиқ янги ғоялар, қарашлар ҳамда янгича ёндашув мезонларининг шаклланишига хизмат қилади; **учинчидан**, тажрибали матншунос олим лабораториясини тадқиқ этиш соҳанинг устувор масалаларини ўрганиш ҳамда уларнинг ечимини топиш (хусусан, илмий-танқидий матн тузиш ва академик нашрларнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш)да катта аҳамиятга эга.

1938/1949 йилларда мумтоз адабиёт вакиллари, жумладан, Алишер Навоий асарларининг бир қанча нашрлари юзага келди. Уларнинг баъзилари бироз бўлса-да, мукаммаллаштирилган ҳолда қайта нашр ҳам қилинди. Навоий асарларининг ушбу нашрларини икки даврга ажратиш ўринли:

1. *Иккинчи жаҳон урушигача бўлган нашрлар;*
2. *Урушдан кейин чоп этилган асарлар.*

⁵ Шамсиев П., Иброҳимов С. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: ЎзФА нашриёти. 1953.; Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. (Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев). – Тошкент: Фан, 1966.; Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ (таржима). – Тошкент, 1948.

Урушдан кейин, айниқса, Навоий ҳаёти, фаолияти ва ижодини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар кўлами анча кенгайди. Бу даврда Алишер Навоийнинг IV жилдли танланган асарлари юзага келди. Мазкур жилдга киритилган асарлар ишда кўрсатиб ўтилди ва таҳлил қилинди.

Ҳар икки даврга тегишли айрим нашрлар мавжуд сиёсий тузум мафкурасидан келиб чиқиб муайян қисқартиришларга учради ёки умуман чоп этилмади. Жумладан, юқорида тилга олинган жилдлар сериясидан “Хамса”нинг калити⁶ – “Ҳайрату-л-аброр” достони тушириб қолдирилган. Бу, бевосита унинг ғояси, ботиний ва зоҳирий хоссалари билан боғлиқ эканини таъкидлаш керак. Достон, том маънода, илоҳиёт мавзусида битилган бўлиб, унда Яратувчи илми ва қудрати ҳамда комил инсон эътиқоди ҳақида сўз боради⁷.

“Адабиётшунослигимиз тарихида “ташналик” босқичи бўлган”⁸ бу даврда навоийшуносликнинг чекланган томонлари кўп эди. Бу чекловларнинг салбий таъсири хусусида устоз олимлар асосли фикрларни билдириб ўтишган. Бироқ масаланинг бошқа томонига ҳам эътибор қаратиш жоиз. Адабиётшунос А.Ҳайитметов таъбири билан айтганда: “Яқин ўтмишдаги тадқиқотларда ҳукмрон мафкура белгилаб берган методология таъсири аниқ сезилиб туради. Бироқ ўша давр навоийшунослигида қўлга киритилган ютуқлардан кўз юммаслигимиз даркор⁹. Сир эмаски, улуғ шоирнинг дунёқараши асосини фақат диний, тасаввуфий ғоялар эмас, балки юксак маънавиятли баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган ғоялар ҳам ташкил этади. Умуман, мазкур асар фалсафий-ахлоқий қарашлар талқинига бағишлангани билан ҳам аҳамиятли. Бизнингча, ушбу давр олимларининг мақсади ҳам ҳеч бўлмаганда, халқни даҳо ижодкор сиймоси билан таништириш баробарида, унинг ана шундай муҳим ғоялари, илғор концепцияларини тарғиб қилиш бўлган.

Олиб борилган кузатувлардан кўйидагича хулосаларга келинди: *биринчидан*, дастлабки ва ундан кейинги нашрлар Навоий “Хамса”си, унинг мазмун-моҳияти ҳақида умумий тасаввур бериши билан аҳамиятли. Улар шоир шеърятининг формал хусусиятлари, назарий асослари устидаги тадқиқотларда муҳим манба вазифасини бажарган ва навоийшунослик илмининг ривожланишига замин яратган; *иккинчидан*, мазкур даврда амалга оширилган “Хамса” нашрларида баъзи нуқсонлар учрашига қарамай, олинган илмий натижалар ва орттирилган тажрибалар бошқа мумтоз асарлар нашрлари тақомилига хизмат қилди; *учинчидан*, турли қисқартиришлар ва чекловлар билан амалга оширилган бу нашрларга одатда

⁶ Жабборов Н. “Хамса”нинг калити. //Tafakkur, 2011 йил, 1-сон, — Б. 98-99.

⁷ Сирожиддинов Ш. Навоий ҳикматлари маънавий мадад бўлишини истаб (Сўзбоши ўрнида): Алишер Навоий. “Ҳайрат ул-аброр” (Матн, шарҳ, насрий баён, луғат). Биринчи китоб. Шарҳ ва насрий баён муаллифи Ақром Малик. – Тошкент: Tamaddun, 2021. – Б.7.

⁸ Сирожиддинов Ш. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2010 йил 5 февраль. Б.3.

⁹ Ҳайитметов А. “Шеърки, ҳам тушти менинг бошим” // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 1996 йил 9 февраль.

танқидий қаралса-да, бироқ бугунги давр навоийшунослиги ва матншунослиги тараққиёти улар билан бевосита боғлиқдир.

Биринчи бобнинг учинчи фасли “*Порсо Шамсиевнинг илмий-танқидий матнга оид назарий қарашлари ва тадқиқ усуллари*” деб аталади. Унда олимнинг илмий-танқидий матн тузишга оид назарий қарашлари ва уларнинг бугунги матншунослик тамойилларига боғлиқ жиҳатлари асослаб берилган. Шунингдек, матншуноснинг танқидий матн тузиш борасидаги муҳим тажрибалари, у томонидан қўлланилган тадқиқот усуллари таҳлилга тортилган.

Юртимизда илмий-танқидий матн тузиш ишлари II жаҳон уруши тугамасданок бошланган эди¹⁰. Алишер Навоий асарларини тадқиқ қилиш ва нашр этиш ишларида бевосита иштирок этган Порсо Шамсиевнинг илмий-танқидий матн тузиш ҳамда илмий нашрга оид назарий қарашлари мана шу жараёнларда шаклланиб боради. Бу ҳол, айниқса, олимнинг “Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достонининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида” деб номланган номзодлик (1952), “Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари” мавзусидаги докторлик (1969) диссертациялари устида олиб борган тадқиқотларида янада ёрқин кўринади. Унда олим шу даврда яратилган матншунослик ишларини таҳлил қилиб, эришилган ютуқларни холис баҳолайди, нуқсон ва камчиликларни очик кўрсатади. Хусусан, Порсо Шамсиев “Ҳайрату-л-аброр” ҳамда “Лайли ва Мажнун” достонлари матни энг қадимий нусхаларга мурожаат қилиб тайёрланганини эътироф қилгани ҳолда, ишнинг эски тамойил асосида олиб борилганини танқид қилади: “Бу икки асарни тайёрлашда тўртта нусха асосга олинган бўлишига қарамай, текстологлар ишни эски принциплар асосида олиб борганликларини, нусхалар аро учраган фарқлар ҳақида ўз фикрларини аниқ баён қилмаганликларини қайд этиб ўтишга тўғри келади”¹¹.

Албатта, олимнинг бундай мулоҳаза юритиши муайян асосга эгадир. Порсо Шамсиевнинг мазкур қарашларига асосланган матншунос Нафас Шодмонов танқидий матн принциплари ҳақида фикр юритиб, унда нусхалар орасидан таянч ва ёрдамчи нусхалар аниқлаб олингандан кейин уларни шартли белгилаш ҳамда ўзаро тафовутларни қолдирмай акс эттириш лозимлигини таъкидлайди¹².

Шунингдек, матншунос олим А.Н.Кононов томонидан тузилган “Маҳбубу-л-қулуб” матни юзасидан ҳам ўз қарашларини билдирган эди. Жумладан, Порсо Шамсиев мазкур асарнинг матнини тузишда А.Н.Кононов 8 та қўлёзма, яна қўшимча олти қўлёзма ва босма нусхалар билан иш

¹⁰ Бу даврда яратилган илмий-танқидий матнлар хусусида диссертацияда маълумот келтирилган.

¹¹ Шамсиев П. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” достонининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида. Филол. фан. номзоди ... дисс. – Тошкент 1952. – Б.21.

¹² Шодмонов Н. Матншуносликда комплекс таҳлилни асосий вазифалари хусусида. Ўзбек матншунослигининг назарий ва амалий муаммолари. Республика илмий анжумани материаллари. – Қарши, 2019. – Б.19.

кўрганини танқид қилиб, фарқлар кўрсаткичи бениҳоя кўпайиб кетганини, бу эса матн ишини мураккаблаштириб юборганини таъкидлайди¹³.

Порсо Шамсиев томонидан билдирилган қарашларда мунозарали ўринлар ҳам учрайди. Жумладан, матншунос ўз тадқиқотларида қўлёзма нусхалар қанчалик қадимий бўлса, унинг оригиналга яқинлиги шунча ортади, аксинча бўлса, асл матндан жуда узоқлашиб кетади, деган мулоҳазани илгари суради¹⁴.

Шоир асарларининг ҳали фанга номаълум бўлган кўплаб қўлёзма нусхалари мавжудлиги эътиборга олинса, бу тарзда қатъий хулоса чиқариш ўринли бўлмас. Бундай қараш аслида ўзбек матншунослигининг дастлабки босқичларидаёқ шаклланган ва бугунгача амалга оширилган ишларда айнан шу принципга таяниб келинмоқда. Тадқиқотимиз жараёнида аниқланган, шахсий кутубхоналардан бирида сақланаётган Алишер Навоий “Хамса”сининг XIX асрга тегишли нодир нусхаси ўзбек матншунослиги тарихида узоқ йиллардан буён қатъийлашиб қолган юқоридаги қарашнинг тўлиқ асосга эга эмаслигини кўрсатади. Бу қўлёзма хусусида диссертациянинг сўнгги бобига алоҳида тўхталинди.

Матншунос дастлаб “Сабъаи сайёр” (1956) ва “Фарҳод ва Ширин” (1963) дostonлари илмий-танқидий матнини тузади. Бу матнлар эски тамойил бўйича, илгари қўлланган тажрибалар асосида тайёрланган эди. Бироқ Порсо Шамсиев “Хамса”нинг кейинги уч дostonи илмий-танқидий матнларини тузишда эски усулдан воз кечиб, янги принциплар асосида иш кўришни маъқул кўради. Диссертацияда янги принциплар эски тамойиллар билан қиёсланди ва фарқли жиҳатлари таснифлаб кўрсатилди.

Диссертациянинг иккинчи боби ***“Порсо Шамсиевнинг “Хамса” дostonлари илмий-танқидий матнини яратишдаги ёндашув мезонлари ва усуллари”*** деб номланган. Бобнинг *“Сабъаи сайёр” дostonи илмий-танқидий матнини яратишда қўйилган илмий услуб*” сарлавҳали аввалги фаслида дoston илмий-танқидий матнига асос бўлган қўлёзма манбалар, уларнинг қиёсий таҳлили, илмий-танқидий матн тавсифи, унда қўлланилган услуб ва принциплар тадқиқ қилинган. Бундан ташқари, дoston нашрларининг хусусиятлари, улардаги айрим нуқсонларнинг келиб чиқиш омили, оқибати масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, мазкур камчиликларни бартараф қилиш билан боғлиқ тавсиялар билдирилган.

Навоий “Хамса”сининг турли даврларда китобат қилинган қўлёзмалари орасида қадимий нусхалари ҳам бугунга қадар сақланиб қолган. Порсо Шамсиев ана шу нусхаларнинг аксариятини қиёсий ўрганиб, улар орасидан XV асрда Навоий ҳаётлик чоғида Ҳиротнинг машҳур хаттотлари саналган Маҳфуз Абдулжамил, Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган нусхалар ва XVI асрга тегишли деб ҳисобланган

¹³ Шамсиев П. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” дostonининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида. Филол. фан. номзоди ... дисс. – Тошкент 1952. – Б.18-19.

¹⁴ Ўша манба. – Б.46.

колофонсиз қўлёзмаларни илмий-танқидий матн тузишда асосий манба сифатида танлади.

Ишда дoston илмий-танқидий матни (кейинги ўринларда асосан *ИТМ*) ички хусусиятларидан келиб чиқилиб, қуйидаги босқичларда таҳлил этилди: 1. *Достон қўлёзма нусхаларининг қиёсий таҳлили ва илмий-танқидий матни тавсифи*; 2. *Достон нашрларининг матний тадқиқи*. Бизнингча, бундай ёндашув: *биринчидан*, танланган қўлёзма манбалар ҳақида батафсил маълумот олишда; *иккинчидан*, олимнинг тадқиқот усуллари, у амал қилган илмий мезонларни тўғри талқин қилишда; *учинчидан*, *ИТМ* тузиш борасида янгича қарашлар ва тамойилларнинг шаклланишида; *тўртинчидан*, Навоий “Хамса”си бугунги кундаги нашрларининг хусусиятлари, улардаги айрим камчиликларни аниқлаш ва асосли илмий хулосалар чиқаришда катта ёрдам беради.

1. *Достон қўлёзма нусхаларининг қиёсий таҳлили ва илмий-танқидий матни тавсифи*. Тадқиқотда *ИТМ* қуйидаги йўналишларда текширилди: а) *мазмунга таъсир қилувчи фарқлар*; б) *шаклий тафовутлар*; в) *вазний бузилишлар*; г) *бобларнинг кириш қисмларидаги ҳар хиллик*; д) *байтларнинг тушиб қолиши*.

Олим “Сабъаи сайёр” дostonининг илмий-танқидий матнини тайёрлашда бир нечта принципларга амал қилган. Масалан, араб ёзувига асосланган эски ўзбек ёзувидаги сўзларнинг тўғри ёзилиши. Бироқ илмий-танқидий матн тузиш жараёнида ёзув билан боғлиқ баъзи камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, бир сўзнинг турли жойларда ҳар хил ёзилишини кўриш мумкин: “била” сўзи XI боб 27а мисрада *بِلا* шаклида ёзилса, 27бда шу сўз *بيله* кўринишида келган ёки *بِلا* IX боб 83а мисрада ва бошқа жойларда “буйла” маъносида келади. “Ила” (*ايلا – ايله*) сўзида ҳам шундай ҳолат кузатилади.

Бизнингча, *ИТМ*да ҳар бир сўз фақат бир хил вариантда ёзилиши лозим. Шунда маълум бир ёзувнинг қандай ўқилиши дарҳол англашилади. Бундан ташқари, аниқ тамойилга асосланиш ўқув суръатига ижобий таъсир ўтказиб, матннинг жорий ёзувга транслитерация қилинишида катта қулайлик яратади.

Ана шундай принципсизлик “Тўла асарлар тўплами” (кейинги ўринларда *ТАТ*) (VI боб 18а, 23а) ва 2020 (XXI боб 48а, 89а) йил чоп этилган дoston матнларида ҳам кузатилади. Уларда ҳам “буйла”, “уйла” сўзлари бир ўринда “бўйла”, “ўйла” шаклида келса, бошқа жойда “буйла”, “уйла” тарзида берилади. Бу борада “Мукаммал асарлари тўплами”да (кейинги ўринларда *МАТ*) бироз принцип сақланган. Шундай бўлса-да, айрим ўринларда икки хиллик мавжуд (XXIII боб 173а, 209а).

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича таҳлиллар натижаси жадвалда кўрсатиб борилди.

2. *Достон нашрларининг матний тадқиқи*. Матншунос олим 1956 йилда “Сабъаи сайёр” дostonининг илмий-танқидий матнини тузиб чиққач, шу асосда 1960 йил “Хамса”нинг тўлиқ матнини нашр эттирди. Нашр учун

илмий-танқидий матн асос вазифасини ўтаган бўлса-да, бу иккиси ўртасида турли фарқлар юзага келган. Масалан, *ИТМ*нинг I боб 42a мисрасидаги *هر نيکيم* сўзи 60-йил нашрда “ҳарнеким” шаклида қўшиб ёзилган. Шу боб 73b мисрада *وق نېما* деб берилган бўлса, 60-йил нашрида бу – “нима йўқ” кўринишида келади. Ишда бу фарқлар ҳам шаклий ва мазмуний гуруҳларга ажратиб таҳлил этилди ҳамда муайян хулосалар чиқарилди.

Шу ўринда муҳим бир мулоҳазани билдириш зарурати туғилади. Яъни “Тўла асарлар тўплами”нинг нашр этилишида қатнашган олимлар гуруҳи таркибида буюк мутафаккирнинг “Хамса”си илмий-танқидий матни ва нашрлари устида заҳматли иш олиб борган, ўзбек матншунослигига пойдевор қўйган олим Порсо Шамсиевнинг номи қайд этилмаган. Бу адолатли иш, холис ёндашув бўлмагани хусусида матншунос Нурбой Жабборов фикрларини келтириш билан чекланилди¹⁵.

Бобнинг кейинги фаслида “*Фарҳод ва Ширин*” достони илмий-танқидий матнини яратишдаги ёндашув мезонлари” тадқиқ қилинган. Мазкур достон *ИТМ*ни тадқиқ қилишда ҳам аввалги фаслдаги тамойилга амал қилинди. Бироқ бунда шаклий тафовутлар алоҳида қисмларга ажратилди. “Фарҳод ва Ширин” достони қўлёзма нусхаларидаги шаклий фарқлар ҳам “Сабъаи сайёр”даги каби, асосан, сўз охиридаги қўшимчаларнинг ёзилишига доир тамойил билан боғлиқдир. Мазкур шаклий тафовутларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

*Биринчи гуруҳ – сўз охиридаги қўшимчаларнинг ёзилиши: ИТМ*нинг II боб 34a мисрадаги *تاغيدا* сўзи *С* нусхада *تاغيده* шаклида келади.

*Иккинчи гуруҳ – сўзларда ҳарфларнинг туширилиши ёки орттирилиши: ИТМ*нинг III боб 14b ва 16b мисраларидаги *تومان* сўзи *С* нусхада *تومن* шаклида берилиб, ундаги ^ا (алиф) тушириб қолдирилган.

*Учинчи гуруҳ – бир сўз ўрнида ўша сўз муқобилининг ишлатилиши: ИТМ*нинг XXX боб 69-байти қуйидагича:

حريم عفت ايچرا شاه اول ايرميش
سپهر عسمت اوزرا ماه اول ايرميش

Байтдаги *اول ايرميش* сўзи *С* нусхада *اولميش* шаклида келган.

“Фарҳод ва Ширин” достонининг Порсо Шамсиев тузган *ИТМ* ва 60-йилги нашрлари улар асос бўлган *МАТ*, *ТАТ* ва В.Раҳмонов (2020) матнлари билан қиёсланганда, мазмунга путур етган жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан, бундай камчиликлар, аввало, достоннинг кириш қисмларида учрайди. Масалан, XLII бобнинг кириш қисмида: “...тоғ қуллаларида мутлақ ул-инон қилғонлари...” жумласи *МАТ*, *ТАТ* ва В.Раҳмонов (2020) матнида “...тоғ қулларида мутлақ ул-инон қилғонлари...” деб берилади. Бу ўринда “қулла”нинг “чўққи” маъносини англатиши

¹⁵ Жабборов Н. “Лайли ва Мажнун” илмий-танқидий матнига доир айрим мулоҳазалар. /Ўзбек адабиётшунослигида таҳлил ва талқин муаммолари. Республика илмий анжумани материаллари. – Қарши, 2016. – Б.16.

инобатга олинса, *ИТМ* ва 60-йилги нашрдаги ҳолат аслида тўғри экани маълум бўлади.

Кўп ўринларда кўпол техник хатолар *ТАТ* матнида кузатилади. 60-йилги нашр ва *ИТМ*нинг XVIII боб 52а мисрадаги “кўп” сўзи *ТАТ*да “кўр” шаклида намоён бўлади:

Чу йиглаб ерга кўр қўйдим юзимни,

Ёрутти Ҳақ сенинг бирла кўзумни.

Албатта, бу техник хато ҳисобланади. Чунки XXV бобнинг 76а ва XXVI бобнинг 4б мисраларида ҳам худди шу сўз яна “кўр” шаклида келади.

ИТМ ва 60-йилги нашрда XVII бобнинг 121-байти:

Вале ул бермай ўз таврига *тағйир*,

Нечук *тағйир* топқай нақши тақдир?

Байтдаги “ўзгартириш” мазмунидаги “тағйир” (تغییر) сўзи *ТАТ*да кўпол равишда “тайғир” шаклида бузилган. Аслида байтнинг мазмуни қуйидагича: *лекин у(Фарҳод)нинг авзойида ўзгарииш юз бермасди. Ахир тақдир ёзувини ўзгартириб бўладими?!*

Бироқ шу кўпол хатонинг такрори 2020 йил нашрининг LII боб 57б мисрасида ҳам кўринади.

Бундан ташқари, нашрларда яна шундай ҳолатлар учрайдики, улар қофияда оҳангдошликнинг бузилишига олиб келган. Жумладан, XXII боб 112-байтида қуйидагича:

Этак сори черикка бердилар *майл*

Ки, тутмиш эрди саҳрони қизил *сел*.

Байтдаги “сел” сўзи мазмунидан тўғри келса-да, қофия талабига кўра “сайл” (“сел”нинг вариантдоши) лафзининг қўлланиши тўғри бўлади. Айни шу ўрин *МАТ* матнида тўғриланган. Таъкидлаш жоизки, аксарият нашрларда “майл”, “хайл” сўзларига қофия сифатида келган “сайл” сўзи барча ўринларда “сел” тарзида хато қўлланган.

Нашрларнинг бошқа ўринларида ҳам қофия бузилиш ҳолатлари мавжуд. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин” достонининг XI боб 40-байти қуйидагича:

Бўлур чун шаҳ тараб бирла *қадаҳкаш*,

Тараб кайфиятидин бўлса *сархуш*.

Ушбу байт қофиясида келган сўзлар бир қарашда мазмуний тугаллик касб этади. Бироқ унда байт қурилиши нуқтаи назаридан ғализлик мавжуд. Бу ўринда нашрларда берилган “сархуш” сўзининг аслида “сурхваш” (қизарган, қизил тусга кирган) тарзида ўқилиши тўғри бўлади. Албатта, Навоий лирикасида бу каби ғализ оҳангдошлик, номутаносиб қофияланиш ҳеч бир ўринда кузатилмайди. Бизнингча, нашрга тайёрловчиларни бу икки сўзнинг араб алифбосида шаклдошлиги (سرخوش) чалғитган. Албатта, достоннинг бошқа ўринларида ҳам шу каби ҳолатлар мавжуд ва улар ўз ечимини топиши лозим.

“Хамса” достонлари ўтган асрнинг 40-йилларидан бошлаб бир неча марта нашр этилди. Достонлар қисман бўлса-да, нашрдан нашрга

мукаммаллашиб борди. Бироқ улар матнидаги кўплаб камчиликлар бартараф этилмасдан, нашрларда давом этиб келаётгани ҳам ҳақиқат. Бу ҳол, тадқиқотда кузатилганидек, кўп бора эътироф қилинган *МАТ*, *ТАТ* ва 2020 йил чоп этилган “Хамса” дostonлари матнларида ҳам учрайди.

Таникли адабиётшунос ва матншунос олим Нусратулло Жумахўжа ОАВдаги кўплаб чиқишларида шоир асарлари нашридаги ана шундай нуқсонлар ҳақида асосли мулоҳазаларни билдиради. Жумладан, уларнинг бирида шундай фикр айтилган: “Навойи асарларининг илмий нашрини яратиш очиқ-ошкоралик, профессионал ҳамжиҳатлик билан амалга оширилиши лозим. Ҳозир навойишунос, матншунос олимларнинг кучларини жипслаштириш, нуфузли таҳрир ҳайъатини тузиш, матншунослик комиссиясини ташкил этишнинг айна мавридидир. Зотан, Навойи адабий мероси айрим олимлар ёки алоҳида ташкилотнинг хусусий мулки эмас, балки умумхалқ мулкидир”.¹⁶

Албатта, Навойи асарлари, хусусан, “Хамса” дostonлари шоирнинг юксак бадиий тафаккури маҳсули бўлиб, бугунги кун ўқувчиларига унинг матний нуқсонлардан холи, мукаммал нашрларини тақдим қилиш матншуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир. Порсо Шамсиев илмий лабораториясини тадқиқ этишдан кўзланган бош мақсад ҳам айна шу муаммоларга ечим излаш, уларни бартараф қилишга бир уринишдир.

Диссертациянинг учинчи боби ***“Хамса” илмий-танқидий матнлари қиёсий тадқиқи ва уларни такомиллаштириш муаммоси***, унинг дастлабки фасли эса *“Порсо Шамсиев ва бошқа тадқиқотчилар яратган илмий-танқидий матнларнинг қиёсий таҳлили”* деб номланади. Ушбу фаслда ХХ асрнинг 40 – 90-йилларида тузилган “Хамса” дostonлари илмий-танқидий матнлари қиёсий таҳлил этилди. Жумладан, тадқиқот учун “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” дostonларининг Порсо Шамсиев тайёрлаган *ИТМ*лари Ғулом Каримов, Мавжуда Ҳамидовалар тайёрлаган матнлар билан муқояса этилди.

Ғулом Каримов 1944 йилда Навойининг “Лайли ва Мажнун” дostonи илмий-танқидий матнини тайёрлади. Айна шу дostonнинг илмий-танқидий матни гарчи нашр этилмаган бўлса-да, 1967 йил Порсо Шамсиев томонидан ҳам тузилган эди. Табиий равишда, ҳар икки олим ҳам бу йирик ишни бошлашдан аввал *ИТМ* тайёрлаш принципларини ишлаб чиққан. Ишда матншунос олимлар таянган илмий мезонлар ва тадқиқот услублари ўзаро қиёсланди. Ҳар икки олим иш услуби, танлаган илмий принциплари ҳамда тутган йўлларидаги умумий ва фарқли жиҳатлар аниқланди. Ҳозирланган *ИТМ*ларнинг ички хусусиятларига кўра фарқлари қуйидагиларда намоён бўлади: *таянч ва ёрдамчи манбаларни шартли ишоралар билан кўрсатишда; боблардаги байт ва мисралар саногини кўрсатувчи тартиб рақамларда; дostonнинг умумий байтлари саногиди; илмий аппаратда*

¹⁶ Жумахўжа Н. Навойишунослик: муаммолар қачон бартараф этилади. //Шарқ юлдузи, 2021 йил 4-сон. – Б.69.

кўрсатилган фарқлар ҳажми ва уларнинг асосий матнга танланган вариантларида; қўлёзмалар услубини сақлашда. Ушбу фарқли жиҳатларга диссертацияда муфассал тўхталиниб, тегишли хулосалар чиқарилган. Қўлёзмалар услубини сақлаш билан боғлиқ бир мисол:

Достоннинг II боб, 24-байтида шундай ҳолат мавжуд:

زنار بيليمكا نفس ايتيب چوست
كفر ايجره بيليمنى باغلابان رست

Ушбу байтнинг беш ўрнида нуқталар тушириб қолдирилган ёхуд тўлиқ фойдаланилмаган. Бундай услубда иш юритиш, *биринчидан*, матн ўқилишини қийинлаштиради ва *иккинчидан*, сўзнинг маъносини англашга тўсқинлик қилади. Хусусан, *a* мисра сўнгида келган *چوست* (жуст) аслида *шайланиш*, *ҳозирланиш* маъносидаги *چوست* (чуст) сўзидир. Ушбу байт Порсо Шамсиев матнида аслича келтирилади¹⁷:

زنار بيليمكا نفس ايتيب چوست
كفر ايجره بيليمنى باغلابان رست

Байтда ташхис санъати орқали зуннорнинг лирик қаҳрамон белидан маҳкам тутишга шайлангани ва уни иймондан айириб, куфр йўлига солишни қасд қилгани тасвирланади. Шу нуқтаи назардан, Порсо Шамсиев варианты асл матнга мувофиқ.

